



**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ТИББИЁТ ЖУРНАЛИ
1-ТОМ, 2-СОН. 2025**

УДК: 616.33-002.44-037:616.379-008.64(575.1)

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА МЕТАБОЛИК СИНДРОМ КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДА ЎН ИККИ БАРМОҚ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИНИНГ МОРФОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЧРАШ ЧАСТОТАСИ**

**Каримов Расулбек Хасанович¹, Мусаеви Ирода Мансурбековна², Раджапов Адилбек
Анварбекович³.**

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали “Патоморфология” кафедраси доценти¹.

Хоразм вилоят қон қуйиш маркази бош врач².

Хоразм вилоят патологик анатомия бюроси бош врач³.

r.karimov.86@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-0325-2709>

Аннотация: ушбу мақолада имий изланувчи ва илмий рахбар томонидан олиб борилган илмий иш жараёнида Хоразм вилоятида метаболик синдром касаллигига учраган беморларда ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг эпидемиологияси, учраш частотаси, ярагинг жойлашган жойи, қон кетиш билан асоратланишига, статистик тахлили, жинсига нисбатан учраши, туман ва шаҳар кесимида касалликни аниқланиши ўрганилган.

Илмий ишда Хоразм вилоят патологик анатомия Бюросининг катталар бўлимида охириги уч йиллик архив хужжатлари, макропрепаратлари, гистопрепаратлардан фойдаланилди.

Калит сўзлари: Метаболик синдром, ўн икки бармоқ ичак, морфология, семизлик, қон кетиш.

Мавзунинг долзарблиги: Дунёда метаболик синдром яъни, тана вазнини ошиши, виссерал семириши, организмда углевод ва ёғ аламшинувининг юзага келиши, охириги 10 йилликда, 21% га ошганлиги маълум бўлди. АҚШда ушбу кўрсаткич охириги 5 йилликда 34% га ошган бўлса, Европа давлатларида 20,8%га ошганлиги кузатилди. Метаболик синдром ўртача 56% 40ёшдан ошганлада, 44% асосан 50 ёшдан ошганларда кузатилади. Бу эса, иқтисодий жихатдан, аҳолини меҳнатга лаёқатли қатламини муддатдан олдин касалланишига ва ҳар бир давлатнинг соғлиқни сақлаш бошқармасида юқори маблағ талаб этилишига олиб келади. Россия федерацияси ва Ўрта Осиё давлатларида ушбу кўрсаткич ўртача 16,8%ни ташкил этиб, 50 ёшдан ошганларни 51%да, 40 ёшдан ошганларни 36% да, 20-30 ёшлиларларни 11%да ва бошқалар 9% ни ташкил этади. Бу эса, муаммони долзарблигини тасдиқлаши ва айти пайтда заруратини юзага келтириб, айнан, ушбу касалликга чалинганларни ошқозон ичак тракти фаолятини ёшга доир морфологик ўзгаришларини ўрганишни тақозо этади. Аҳолини турмуш тарзини сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан мамалкатимизда, метаболик синдром асосан 4,2 млн дан ортиқ аёл киши касалланган бўлиб, шуларнинг 38% репродуктив ёшдалиги аниқланган. Бу эса, она бола химояси учун жуда муҳим бўлиб, мавзуни айти дамда долзарблигини тақозо этади. Ўзбекистонда метаболик синдром билан хасталанган аёлларни репродуктив саломатлигини тиклаш бўйича йилига ўртача, 2022 йилда, жами маблағни 22% жалб этилган бўлса, 2023 йилда ушбу кўрсаткич 36% ни ташкил этиб, йил сайин ошиб бормоқда. Айти тадқиқот ишмида, метаболик синдромда, 12 бармоқ ичакнинг катталаниши, ҳажмининг кенгайиши, ўт тош касаллигини юзага келиши каби ўзаро боғлиқ клиник морфологик ўзгаришларни юзага келиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Амма, хориж ва МДХ давлатлари адабиётлари ва илмий излданишларида, метаболик синдромда 12 бармоқ ичакнинг морфологик ва иммуногистокимёвий хос ўзгаришлари ҳақида маълумотлар



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ТИББИЁТ ЖУРНАЛИ
1-ТОМ, 2-СОН. 2025

келтирилмаган ва бу эса, ўз навбатида, тиббиёт амалиёти учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Ишнинг мақсади: ишнинг мақсади сифатида Хоразм вилояти патологик анатомия Бюросида метаболик синдром касаллиги бўлган беморларнинг анамнестик тахлил қилиш, статистик тахлил қилиш, эпидемиологияси, учраш частотаси, яранинг жойлашган жойи, қон кетиш билан асоратланиши, жинсига нисбатан учраши, туман ва шаҳар кесимида 12 бармоқ ичкада патологик ўзгаришларини аниқлаш мақсад қилиб олинган.

Олинган натижалар: олиб борилган илмий изланишлар доирасида метаболик синдром касаллигига учраган беморларнинг туман ва шаҳар кесимида ўрганилганда, асосан шаҳарда яшовчи беморларда метаболик синдромга учраган 12 бармоқ яра касаллиги аниқланди 1-жадвал.


1-Жадвал. Беморларнинг туман ва шаҳар кесимида учраши.



Юқоридаги жадвалда кўриниб турибдики, туман ва шаҳарлар кесимида метаболик касаллиги бўлган беморларда 12 бармоқ яра касалигининг 20 нафарида учрагани аниқланган. Бу ўз навбатида бошқа туман ва шаҳарларга қараганда юқори кўрсаткич эканлиги билан ажралиб туради.

Беморларнинг жинсга нисбатан ўрганилганда эркекларга қараганда аёлларда юқори кўрсаткич аниқланди, яъни эркеклар 40 нафар, аёллар 60 нафарни 2-жадвал.


2-Жадвал. Беморларнинг жинс бўйича учраши.



Олиб борилган илмий ишга доир илмий изланишларда беморларда асосий касалликга қараганда бошқа хамрох касалликлар ҳам борлиги аниқланди, яъни гастрит 3 та, ошқозон моторикасининг бузилиши 5 та, гастродуоденит 6 та 12 бармоқ яра касаллигининг ўзи 25 та ва бошқа касалликлар.


63 ёшли аёл жинсли бемор ошқозон оғрига, кунгил айнишига, овақтдан сўнг кучли оғриқ билан шикоят қилиб тиббиёт муассасасига борган ва эндоскоп текширувида 12 бармоқ ичак деворида патологик ўзгариш борлиги аниқланган 1-расм.

1-Расм. 12 бармоқ ичакнинг эндоскопик текширувда кўриниши.



1-Расм. Эндоскопик текширувда 12 бармоқ ичакда 3.0x5.0см катталикда зич конституцияли, чегаралари аниқ қўнғир рангли яра борлиги кўринади.

43 ёшли аёл жинсига мансуб беморни ҳам эндоскопик текшувдан ўтказилганда 12 бармоқ ичак юқориғи қисмида яра борлиғи аниқланди 2-расм.




2-Расм. 3.5x5.0см катталиқда яра бўлиб, оч сарик рангда, чегаралари ноаниқ, ичак деворига бироз кирганлиғи билан фарқланади.

58 ёшли аёл жинсига мансуб беморда эса, 12 бармоқ ичак деворига 0.3x0.5см ичкарига кирганлиғи, яранинг чегаралари аниқ кўриниб турибди 3-расмга қаранг.





3-Расм. 58 ёшли беморнинг 12 бармоқ ичак яранинг эндоскопик кўриниши.

Изланишлар давомида 60 ёшли аёл жинсига мансуб беморнинг 12 бармоқ ичак эндоскопик кўрилганда ошқозоннинг антрал қисмида янги ривожланаётган яра борлиги аниқланди 4-расм.





4-Расм. Ошқозон антрал қисмида яранинг жойлашуви.

Тиббиёт муассасасига мурожаат қилган беморларинг аксарияти жаррохлик амалиёти бажарилган ва амалиёт натижасида патолого анатомик текшувга юборилган макропрепаратлар гистологик ишлов берилиб текширилган кўпинча гистопрепаратларда гистопрепаратларда шиллиқ қаватининг бутунлигини бузилиши сурункали гипоксияси мавжудлиги аниқланди 5-расм.



5-Расм. 12 бармоқ ичак яра касаллигида гистологик текширув натижасида ишланган микропрепарат. Бўёқ Г-Э. 10x10



6-Расм. 12 бармоқ ичак яра касаллигининг гистологик кўриниши. Бўёқ Г-Э. 10x10

Хулосалар: хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аёлларда кўп учраган 12 бармоқ ичак яра касаллигининг асоратланган ярадан ошқозоннинг пиёзча, антрал, танасида, кичик эгрилигида, кардиал қисмида яра борлиги аниқланди.

Туман ва шахарлар кесимида метаболик касаллиги бўлган беморларда 12 бармоқ яра касаллигининг 20 нафарида учрагани аниқланган. Бу ўз навбатида бошқа туман ва шахарларга қараганда юқори кўрсаткич эканлиги билан ажралиб турди.

Беморларнинг жинсга нисбатан ўрганилганда эркакларга қараганда аёлларда юқори кўрсаткич аниқланди, яъни эркаклар 40 нафар, аёллар 60 нафарни ташкил қилди.

Беморларда асосий касалликка қараганда бошқа хамроҳ касалликлар ҳам борлиги аниқланди, яъни гастрит 3 та, ошқозон моторикасининг бузилиши 5 та, гастродуоденит 6 та 12 бармоқ яра касаллигининг ўзи 25 та ва бошқа касалликлар.

Кўпчилик беморлар ошқозон оғрига, кунгил айнишига, овақтдан сўнг кучли оғрик билан шикоят қилиб тиббиёт муассасасига борган ва эндоскоп текширувида 12 бармоқ ичак деворида патологик ўзгариш борлиги аниқланди



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ТИББИЁТ ЖУРНАЛИ
1-ТОМ, 2-СОН. 2025

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов Р. Х., Мусаев У. М., Рузметова Д. Т. ЯТРОГЕНИЯ НА ПРИМЕРАХ ИЗ ПРАКТИКИ (По данным лет обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 10-12.
2. Каримов Р. Х. и др. ВРАЧЕБНЫЕ ОШИБКИ В ПРАКТИКЕ АКУШЕРОВ-ГИНЕКОЛОГОВ //Past and Future of Medicine: International Scientific and Practical Conference. – 2023. – Т. 2. – С. 114-117.
3. Каримов, Р. Х., Мусаев, У. М., Рузметова, Д. Т., & Султанов, Б. Б. (2023, October). ЯТРОГЕНИЯ В НЕОНАТОЛОГИИ (ПО ДАННЫМ ЛЕТ. ОБЗОР). In *International conference on multidisciplinary science* (Vol. 1, No. 3, pp. 76-78).
4. Khasanovich, K. R., Mansurbekovna, M. I., & Anvarbekovich, R. A. (2024, August). MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF TWELVE FINGER ULCER DISEASE. In *INTERNATIONAL CONFERENCE OF NATURAL AND SOCIAL-HUMANITARIAN SCIENCES* (Vol. 1, No. 6, pp. 26-31).
5. Karimov, R., Musaeva, I., & Radjapov, A. (2024). MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS AND FREQUENCY OF DUDE ULCER DISEASE IN RETIREMENT PATIENTS WITH METABOLIC SYNDROME. *FAN, TA'LIM, TEXNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQRISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI*, 1 (2), 14–20.